

“ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ” курси



2-МАВЗУ. АКАДЕМИК ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ



*Алиқориев Олимхон – и.ф.н., доц., Олий бизнес мактаб
Илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи*

ЭТАЛОННИ БЕЛГИЛАБ ОЛИШ

Тадқиқот
мақсади

Тадқиқот
саволлари

Тадқиқот
қамрови

Тадқиқот
характери

ХОРИЖДАГИ АСОСИЙ ТАЪЛИМ ДАРАЖАЛАРИ

Босқич	Асосий даража
Бакалавр (Undergraduate)	Санъат бакалаври (Bachelor of arts, BA)
	Фан бакалаври (Bachelor of science, BSc)
Таълим асосидаги магистратура (Taught Master's)	Санъат магистри (Master of Arts, MA)
	Фан магистри (Master of science, MSc)
	Бизнес бошқарув магистри (Master of Business Administration, MBA)
	Тадқиқотлар магистри (Master of research, MRes)
	Менежмент магистри (Master of Management, MoM)
Тадқиқот асосидаги магистратура (Master's by research)	Фалсафа магистри (Master of Philosophy, MPhil)
Таълим асосидаги докторантура (Taught doctorate)	Бизнес бошқарув доктори (Doctor of Business Administration, DBA)
Тадқиқот асосидаги докторантура (Doctorate by research)	Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy, PhD)

ТАДҚИҚОТЛАР НАТИЖАСИДА ТАЛАБА ҚЎЙИДАГИ БИЛИМ ВА ҚОБИЛИЯТЛАРНИ ЭГАЛЛАШИ МУМКИН

ТАДҚИҚОТЛАРНИ МУСТАҚИЛ РАВИШДА ЎТКАЗИШ

хусусан, муаммони
идентификация қилиш,
уни аниқлаш, тегишли
муаммога асосан илмий-
тадқиқот лойиҳасини
режалаштириш ва ташкил
этиш, ҳамда
маълумотларни тўплаш ва
таҳлил этиш, хулосаларни
шакллантириш ва амалий
таклифларни бериш

САМАРАЛИ ОҒЗАКИ ВА ЁЗМА КОММУНИКАЦИЯ АМАЛЛАРИНИ ЎТКАЗИШ

хусусан, тақдимотларни
ўтказиш ва
ташкиллаштириш

ТАДҚИҚОТ УСУЛЛАРИ, БЎЙИЧА БИЛИМЛАРНИ ЭГАЛЛАШ

хусусан, услублар, ва
таҳлил инструментларини
ўрганиш

ТАДҚИҚОТЛАР НАТИЖАСИДА ТАЛАБА ҚЎЙИДАГИ БИЛИМ ВА ҚОБИЛИЯТЛАРНИ ЭГАЛЛАШИ МУМКИН

ЧОП ЭТИЛГАН
АДАБИЁТЛАР,
КОНЦЕПЦИЯЛАР,
НАЗАРИЯ ВА
ТАҲМИНЛАР
ҲАҚИДА ТЎЛИҚ
МАЪЛУМОТЛАРГА
ЭГА БЎЛИШ

ШАХСИЙ
СИФАТЛАРНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ

хусусан, яратувчанлик,
мослашувчанлик,
креативлик, аниқ
фикрлаш ҳамда
мустақил равишда
тадқиқот олиб
борганлиги
натijasида ўзига
ишончни
шакллантириш

ХУЛОСАЛАРНИ
КРИТИК РАВИШДА
ШАКЛЛАНТИРИШ
ВА ВАЗИЯТНИ
ТАҲЛИЛ ЭТИШ

БОШҚА
ТАДҚИҚОТЧИЛАР
ТОМОНИДАН
АМАЛГА
ОШИРИЛГАН
ТАДҚИҚОТЛАРНИ
БАҲОЛАШ

БАКАЛАВР ДАРАЖАСИ

Кўп ҳолларда ушбу босқич назарий ва амалий билимларга эга бўлиш ва ўрнатилган стандартларга жавоб беришни талаб этади.

Илмий тадқиқот лойиҳасида сиз ўзингиз тадқиқот саволини, унинг дизайнини аниқлайсиз ва ўзингиз тадқиқотни амалга оширишга жавобгар бўласиз.

БАКАЛАВР ДАРАЖАСИ

Дастурингизга кўра жойларда ишлаб чиқариш амалиёти мавжудлиги маълумотларни тўплаш учун яхши имкониятни яратади

(мисол учун, экспериментлар, сўровлар ва интервьюлар ўтказиш ёки фокус-гурuhlар билан ишлаш орқали).

Маълумотлар иккиламчи ёки бирламчи бўлиши.

БАКАЛАВР ДАРАЖАСИДАГИ ТАДҚИҚОТНИНГ ТИПИК МАҚСАДЛАРИ

талабаларга аналитик қобилиятларини ривожлантириш, баҳолаш ва синтез орқали амалий вазиятларни моделлаштириш кўникмаларини ўрганиш имкониятини бериш;

актив ўрганиш учун шароит яратиш, бунда талаба ўрганиш зарур бўлган муаммони идентификация қилади ва ўз тажрибаси орқали ўрганади

мустақил тадқиқотни амалга ошириш учун зарур бўлган кўникмаларни шакллантириш

муаммо ёки масалани ўрганаётганда назарий билимларни ишлата олишни ўргатиш

соҳага оид муаммоларни ёки масалаларни амалий томондан кўриш, уни баҳолаш ва таҳлил этишни ўргатиш

МАГИСТРАТУРА ДАРАЖАСИ

Диссертация ёзиш ушбу даражанинг муҳим элементларидан ҳисобланади ва кўп жиҳатдан бакалавр даражасида ёзиладиган диссертацияга ўхшаб кетади.

Аммо диссертацияга бўлган талаблар стандарти юқорироқ бўлиб кўпроқ **критик ва таҳлилий ёндашувларга** эътибор қаратилганлигига урғу берилади.

ДОКТОРАНТУРА ДАРАЖАСИ

Критик ёндашув орқали амалга оширилган ва таҳлил этилган, мустақил равишда амалга оширилган ва **оригинал** бўлган тадқиқотлар натижасида **фанга ҳисса қўшиш** талаб этилади.

Ушбу қўшилган ҳисса революцион кўринишда бўлиши шарт эмас, балким ўрганилган ҳодиса ёки **феноменни тушунишга** қаратилган бўлса ҳам етарлидир.

СТАНДАРТЛАР

Магистр даражасидаги диссертация (мисол MPhil) мавжуд назариялар доирасида тадқиқотни амалга оширишни талаб этса, докторлик даражасидаги диссертация (PhD) фанга оригинал ҳисса қўшишни талаб этади

СТАНДАРТЛАР

*Хориждаги турли
даражалардаги
диссертациялар узунлиги*

Даража	Сўзлар сони
Бакалавр	10 000-15 000
Магистратура (таълим асосида)	20 000
Магистратура (тадқиқот асосида)	40 000
Докторантура (таълим асосида)	50 000
Докторантура (тадқиқот асосида)	80 000

Битта А4 ҳажмдаги бет инглиз тилида тахминан **500** сўзни ўз ичига олиши мумкин, ўзбек тилида **300 дан** сал кўпроқ сўз олиши мумкин, лекин ҳисоботлар одатда 1.5 интервалда тақдим этилиши сабабли тахминан **10000 сўз 40 бетни** ташкил этади.

Шуни ҳам инобатга олиш керакки жадвал ва расмлар (графиклар, диаграммалар, иллюстрациялар ва ҳкз.) сизнинг диссертациянгиз ҳажмини оширади.

Иловада келтирилган маълумотлар одатда ҳисобга кирмайди.

УМУМИЙ КРИТЕРИЙЛАР

ДАРАЖА	КРИТЕРИЙ
Бакалавр	<ul style="list-style-type: none">✓ Тизимланган ва ишонарли даражада амалга оширилган тадқиқот ўтказиш✓ Муаммони аниқлаш ёки эксперимент натижаларини намоён этиш✓ Адабиётлар билан таниш эканлигини исботлаш
Магистратура (таълим асосида)	<ul style="list-style-type: none">✓ Талаба ҳаракатлари натижасида критик таҳлил ва асосланган билимга эга бўлганликни кўрсата билиш✓ Адабиётларнинг чуқур таҳлилини амалга ошириш

УМУМИЙ КРИТЕРИЙЛАР

ДАРАЖА	КРИТЕРИЙ
Магистратура (тадқиқот асосида)	<ul style="list-style-type: none">✓ Ғояларнинг оригинал тадқиқот ва тестлар орқали амалга оширилганлигини исботлаш✓ Экспериментлар ўтказиш ёки мустақил равишда иш олиб бориш бўйича кўникмаларни кўрсата билиш✓ Тегишли услубларни тушуниш✓ Чоп этилган ёки манбалардан олинган материалларни критик равишда фойдаланиш✓ Тоғ доирадаги мавзуларнинг кенг доирадаги билимлар билан боғлай олиш✓ Чоп этишга ярайдиган натижалар олиш
Докторантура	<ul style="list-style-type: none">✓ Магистратура даражасидаги критерийларга қўшимча равишда:✓ Мавзуга доир оригиналлик ёки фойдаланилган методологияга оид оригинал натижалар✓ Яққол кўринадиган илм-фанга қўшилган ҳисса

ТАЪЛИМ МУАССАСАСИНИ ТАНЛАШ

Шимолий Америка модели

Индивидуал ўқув курслари мавжуд

Мақола чоп этиш ва педагогик фаолият билан шуғулланиш тавсия этилади

2 йил давомида дарсларга қатнашиб улардан имтиҳонлар топширилади

3-йилда тадқиқот режа-асосномаси ёзилади ва у имтиҳондан ўтказилади

4-йилда тадқиқот маълумотлари йиғилади, таҳлил этилади ва талаба оригинал тадқиқотга асосланган диссертацияни ёзиш талаб этилади ва имтиҳон қилинади

Европа модели

МИЛЛИЙ ФАРҚЛАР

Қисқа муддатли курслар мавжуд

Mres ни яқунлашни талаб этишлари мумкин

Тадқиқот режа-асосномаси ёзилади ва у имтиҳондан ўтказилади

Мақола чоп этиш ва педагогик фаолият билан шуғулланиш тавсия этилади

Оригинал тадқиқотга асосланган диссертацияни ёзиш талаб этилади ва имтиҳон қилинади

ИНСТИТУТЦИОНАЛ ФАРҚЛАР

Таълим муассасасининг рейтинги, стандартлари,
уни битирганларнинг муваффақиятга эришиш
даражаси ҳақида маълумотларни ўрганишингиз ва
бошқа таълим муассасалари билан солиштириб
кўришингиз тавсия этилади

ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ОБРЎСИ

**Энг муҳими сизга таҳсил берадиган
профессор-ўқитувчилар ва илмий
раҳбарнинг билими ва шижоатидир**

ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ОБРЎСИ

- ✓ Миллий акредитация ва сифатни тасдиқловчи сертификатларнинг мавжудлиги
 - ✓ Халқаро акредитацияга эгаллиги



ТАЪЛИМ МУАССАСАСИНИ ТАНЛАШДА ЭЪТИБОРЛИ ЖИҲАТЛАР (Johnston, 1995)

Тадқиқот дастури ва кўрсатмалари билан аввалдан таништирилдингизми?

Илмий раҳбар имкониятларини баҳолаш учун сизга илмий раҳбар ёки дастур раҳбари билан мулоқот қилиш имконияти берилдими?

Тадқиқот дастури бўйича ёки тадқиқот методологияси бўйича махсус курслар борми?

Муассасада конференцияларда илмий натижаларни муҳокама этиш анаънаси ва тажрибаси мавжудми?

**ТАЪЛИМ МУАССАСАСИНИ ТАНЛАШДА ЭЪТИБОРЛИ
ЖИҲАТЛАР**
(Johnston, 1995)

Муассасада кутубхона, фотокопия ва чоп этиш масалаларига оид муаммолар йўқми?

Бошқа тадқиқотчилар билан муҳокама қилиш учун шароитлар мавжудми?

Куннинг иккинчи ярими ва ҳафта охирида АРМ дан ва жиҳозлардан фойдаланиш имконияти борми?

Муассасада доимо янгиликлардан хабардор бўлиб бориш учун доимий нашрлар мавжудми?

ИШГА ЖОЙЛАШУВЧАНЛИК

- ✓ Тадқиқот лойиҳангиз имкон қадар мукаммал ёзилган бўлиши керак
- ✓ Потенциал иш берувчи учун ҳам қизиқарли бўлган мавзу бўлиши мақсадга мувофиқ
- ✓ Альтернатив вариант стратегия сифатида қўшимча таълимни магистратура ёки докторантурада олишдир

ИШГА ЖОЙЛАШУВЧАНЛИК

АҚШ ёки Буюк Британия университетларида маърузачи бўлиш учун сиз албатта PhD даражасига эга бўлишингиз ва имкон қадар конференция ва илмий журналларда мақолалар чоп этган бўлишингиз зарур.

Бу йўлда карьерангиз бўйича муваффақиятлар академик журналлардаги чоп этган мақолаларингизга боғлиқ бўлади.

ИШГА ЖОЙЛАШУВЧАНЛИК

Европа ва Шимолий Америкада деярли барча дарс берувчилар **профессорлар** деб аталади.

АҚШ ва Канадада профессорлик куйидагича табақаланади

- профессор ассистенти (assistant professor)
- доцент (associate professor)
- профессор (full professor)

Буюк Британияда эса дарс берувчилар **маърузачи** деб чақирилади ва “профессор” унвони фақатгина махсус комиссия томонидан сезиларли тадқиқот натижаларига эришганлиги учун тан олингандан сўнг берилади.

ИЛМИЙ РАҲБАРЛИК МОДЕЛЛАРИ

Битта илмий
раҳбар

2 та илмий
раҳбар

Илмий раҳбар ва
маслаҳатчи

Комиссия
томонидан
раҳбарлик

ИЛМИЙ РАҲБАРГА ТАЛАБЛАР

Мутахассислик бўйича махсус билимларга эга бўлиши

Шу кунгача муваффақиятли равишда талабларга илмий раҳбарлик қилган бўлиши

Сизнинг илмий тадқиқотингизга қизиқиши

Мавзу бўйича қўллаб-қувватлай олиши

Ҳояларни муҳокама қила олиши

Зарур маслаҳатларни бера олиши

ИЛМИЙ РАҲБАРЛАРНИНГ ОДАТДАГИ БАНДЛИГИ

1

- дарс бериш

2

- ўқув материалларини ишлаб чиқиш ёки ўқув қўлланма ва дарсликларни ёзиш

3

- бўлим, дастур ёки фан соҳаларини бошқарувини амалга ошириш

4

- илмий мақолалар, таҳлилий хатлар, тадқиқот натижалари бўйича ҳисоботлар ёзиш

ИЛМИЙ РАҲБАРНИ ТАНЛАШ УЧУН КЎРСАТМА

1

- Илмий раҳбар тадқиқот мавзуингизга қизиқиши борми?

2

- Сиз олдинга сурган методологияга қарши эмасми?

3

- Илмий раҳбар тажрибали тадқиқотчими?

4

- Илмий раҳбарда муваффақиятли раҳбарлик қилганлиги ҳақида маълумот борми?

5

- Илмий раҳбар илмий мақолалар чоп этганми?

6

- Ўзининг ишидан ташқари сизга раҳбарлик қилиш учун вақти етарличами?

ИЛМИЙ РАҲБАР --- ТАЛАБА

Илмий раҳбар тадқиқотни боришида катта роль
ўйнашига қармасдан тадқиқот саволини
шакллантириш талабанинг вазифаси
ҳисобланади
(Greedy, 2001, 116).


ИЛМИЙ РАҲБАР ТОМОНИДАН РАД ЖАВОБИ

Мавзуингизнинг
унга қизиқарли
бўлмаганлиги

Режа-
асосномангизда
сезиларли
камчиликлар
мавжудлиги

Тадқиқотни
муваффақиятли
яқунлаш учун бошқа
сифатларнинг
етишмаслиги

ТАЛАБА ЭГА БЎЛИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН СИФАТЛАР (Crver, 1997)



ТАЛАБАГА ТАВСИЯЛАР

(Howard and Sharp, 1994)

1

- илмий раҳбарнинг илмий раҳбар ва талаба ўртасидаги алоқага тегишли қарашини аниқланг

2

- илмий раҳбар билан доимий амалга ошириладиган жараёнларни келишиб олинг ва уларни амалга ошириш маъсулятини ўз бўйнингизга олинг

3

- учрашувдан аввал бериладиган саволлар рўйхатини тузиб қўйинг ва учрашув кун тартибини белгилаб олинг

4

- илмий раҳбар билан учрашув чоғидаги масалаларнинг ёзма қайдларини олиб боринг ва қайдлар нусхасини илмий раҳбарга тақдим этинг

5

- илмий раҳбарга бериладиган ҳисобот, бобларнинг қораламаси каби ёзиладиган материаллар моҳияти ва топшириш вақтларини келишиб олинг

ТАДҚИҚОТ ДАВОМИДА ТАДҚИҚОТЧИ КАЙФИЯТИНИНГ ЎЗГАРИШИ

Дастлабки энтузиазм

Тадқиқотга бўлган қизиқишнинг ошиб бориши

Аҳамиятнинг илмий раҳбардан ўз ҳаракати билан
тўпланадиган маълумотларга ўтиши

Маълумотлар асосида ўз ғояларини
шакллантириш

Ушбу ғояларни ривожлантира олмаслик сабабли
кўнгилнинг қолиши

Ўрганилаётган тадқиқот муаммосидан зерикиш

Тадқиқот муаммосини ўзгартирмасдан
диссертацияни тугатишга қатъият қилиш

Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбаалари

Асосий адабиётлар

1. Collis J., Hussey R. (2003) Business Research 2nd edition, Palgarve Macmillan.
2. Saunders M., Lewis P., Thornhill A. (2009) Research Methods for Business Students. Fifth edition.
3. Robson C. (2011) Real World Research. Third edition.
4. Walliman N. (2011) Research methods: the basics. Taylor and Francis group. London and New York.

V. Қўшимча адабиётлар

1. Баскаков А.Я., Туленков Н.В. Методология научного исследования: Учебное пособие. – К.: МАУП, 2004.
2. Орехов А.М. Методы экономических исследований: Учебное пособие. – М.: ИНФРА-М, 2009.
3. Сабитов Р.А. Основы научных исследований: Учеб. пособие / Челябин. гос. ун-т. Челябинск, 2002.
4. Магистерская диссертация: методы и организация исследований, оформление и защита: учебное пособие / коллектив авторов ; под ред. В.И. Беляева. — 2-е изд., перераб. — М. : КНОРУС, 2016.
5. Новиков А.М., Новиков Д.А. Методология научного исследования. – М.: Либроком.
6. Очиллов Б.Э. Научно-исследовательские методы и их анализ: Курс лекций. – Т.: ТашГИВ, 2009.
7. Сабитова Р.Г. Основы научных исследований: Учеб. пособие / Дальневосточный гос. ун-т. Тихоокеанский институт дистанционного образования и технологий, Владивосток, 2005.

Интернет сайтлари

1. www.natlib.uz
2. www.cambridge.org
3. www.doaj.org
4. www.springer.com
5. www.e-library.ru
6. diss.natlib.uz
7. www.plos.org
8. www.wdl.org
9. press.natlib.uz



**ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН
РАХМАТ!!!**